

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИСЛОМГАЧА ДАВР МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭСТЕТИК ҚАДРИЯТЛАР СИНТЕЗИ**

**Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна**

Андижон давлат тиббиёт институти ижтимоий гуманитар фанлар  
кафедраси муdiri, фалсафа доктори (PhD) доцент

Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиёдаги халқлар санъатининг тарихи мифологик образлар, диний ғоялар, ахлоқий ва эстетик қарашлар моддий ва амалий ҳаёт билан нақадар боғлиқлигини кўрсатиб туради: одамларнинг индивидуал ва ижтимоий ҳаёти ягона маънавий фаолият билан қамраб олинганлиги ва бу фаолият атроф муҳит томонидан озикланганлиги — бор ҳақиқат.

Аҳамонийлар давридаги Эрон санъати «Яқин Шарқда қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган бир қатор қонуний композициялар ҳамда рамзий тасвирлардан фойдаланилганлиги билан ажралиб туради. Бу аҳамонийларнинг кўплаб ёдгорликларида аниқ стилизация ва рамзийликни яратади. Аммо мазкур хусусиятлар Эрон сюжетлари ва образларида ўзига хос диний-рамзий маънога эга туюлади, улардаги стилизация Эрон санъатига хос чуқур табиат туйғуси билан бирлаштирилган.

Қиролларни қабул қилиш саҳналарини акс эттирувчи аҳамонийлар даври санъати ва мифологик рамзий образлари қиролликнинг буюклигини ифодалашга қаратилади. Аммо илк

асарларда, масалан, мил. авв. VIII–VII асрларга оид «Эчки бошли маъбуда» (Техрон. Тўпланган Форути) кўринишида зироатчилик ва чорвачилик (деҳқончилик) маъбудаси гавдалантирилган. Бронзадан ясалган ҳайкалча илоҳий ваҳий туйғуси билан безанган, диний ва мифологик рамз янада ёрқинроқ ва маънан юксак тарзда ифодаланган.»[1,86-б].

Ахамонийлар зардуштийлик динини қонунлаштирганидан сўнг ушбу давр санъатини эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ғоялари чулғаб олади. Бу даврда ахамоний подшоҳлар виқорини кўрсатувчи шаҳарлар, саройлар, мақбаралар яратила бошланади. Бу даврнинг буюк иншоотларидан бири Тахти Жамшид (Персеполь) шаҳри бўлган. «Персеполь платформасига кирар экансиз ноёб бинога кўзингиз тушади, унинг тўрт тарафида Ксеркснинг қуйидаги сўзлари ёзилган: «Ахура Мазда ёрдамида мен ушбу барча давлатлар дарвозасини ясадим. Форсда яна кўп гўзал ва бетакрор бинолар қурилган, уларни мен қурганман, отам қурган. Қурилган ҳар бир бино гўзалдир, уларнинг барини биз Ахура Мазда ёрдамида барпо этдик» [2-93].

Буқани тишлаган шер сурати тасвирланган зина рельефи (мил. авв. VI–V асрлар) ҳукмдор тахтининг буюклиги, шон-шуҳрати ва куч-қудратини ифодалайди. Аммо бу ерда шер ва буқанинг жанги нур ва зулмат курашини билдирмайди, шер ёвуз кучни ифодаламайди.

Агар рассом зардуштийлик ғояларининг давомчиси бўлганида бу ерда шер, ёвуз рух, Ахриманнинг ёвуз кучи сингари, янада тўқ тусларда

ифодаланган бўларди. Бу ердаги ёвузлик ва эзгулик, ҳаёт ва ўлим курашининг мифологик тасвири якка кураш тарзида, инсоннинг, давлатнинг қудрати сифатида шер образи орқали гавдалантирилган. Аммо буқа, диндаги хурмати ва эътирофи сабабли, бу ерда азобланаётган мавжудот сифатида, поклик ва гўзаллик тимсоли ҳисобланади. Буқа образи шоирона тарзда ҳаётдаги ёрқин ва эзгу асосларга ўхшатилади. Ушбу зина Дорий-Ксеркс подшоҳининг қабулига йўналган экан, ижодкор, албатта, талаб қилинган фикрни амалга ошириш учун ҳайкалдаги қаҳрамонликни бўрттириб кўрсатишга уринган.

Қадимги Эрон ҳайкалтарошлигининг ҳайратланарли даражада нозик ва илоҳий ижод маҳсулларида бири — фаришталарга, соф самовий кучларга ўхшатиш ҳамда юксак маънавият билан безатилган «Қанотли эчки шаклидаги кўза тутқичи» ҳайкалидир. Бу — гўзаллик туйғуси ва эркинлик идеалининг рамзий ифодасидир. Импульс ва маънавият туйғусининг нозик ифодаси акс этган ушбу «Кўза тутқичи» уни энг нафис романтик асарлардан бирига айлантиради. Эркинлик ва поклик ғоясининг рамзий тасвири бу ерда юксак реализм ҳисси билан ифодаланган.

Кейинчалик «Қанотли эчки» ҳайкалини жонлантириш романтик онг маҳсули бўлиб қолди ва Шарқ шеърлятида севги, эрк ва гўзаллик сиймоси сифатида энг севимли образлардан бирига айланди. Бошқа томондан, ов манзараси, табиатнинг бокира гўзаллиги ва ҳиссиётлардаги романтик осойишталик Шарқ адабиёти ва санъатида

севимли мотивлар бўлиб, сосонийлар даврида кумуш идишларда ҳам ўз ифодасини топган (Кумуш идиш. Баҳром гўр (420–438, Эрмитаж), (Кумуш идиш. Хусрав II овда (590–627), (кумуш идиш. Шапур II, 309–379) ва ҳ. к.)

Инсон гўзаллигининг қахрамонона ва эпик тимсоли Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари замирида мужассамлашади, миниатюрада эса ҳаёт, муҳаббат, ов ва жанг манзаралари, бошқа инсон ҳаётининг ҳақиқий ҳамда ҳаёлий мотивларини лирик англаш кучаяди.

Г. А. Пугаченкованинг сўзларига қараганда, илк милодий асрларда Марказий Осиё халқлари санъати тарихида она табиатга сиғиниш билан боғлиқ маъбудлар ҳамон муҳим роль ўйнаган. Бақтрия, Хоразм ва қадимги Сўғд ҳудудида Кушон подшоҳларининг тангаларидан ташқари аёл қиёфасидаги кўплаб сопол ҳайкалчалар ҳам топилган.

Кўпгина тадқиқотчилар Афросиёбдан топилган бир гуруҳ терракоталарни «Анахиталар» деб аташади. Г. А. Пугаченкованинг таъкидлашича, ушбу терракоталар Ардвисуранинг Авестодаги қиёфаси — бежирим тошлар билан безатилган саккиз қиррали тож кийган ва камар таққан баланд бўйли Анахитнинг тимсолига мос келмайди, балки асосан она қиёфасини акс эттиради. Бинобарин, «вақт ўтиши билан бу ерда ўзларининг фазилатлари билан парчаланиб кетган кўплаб маҳаллий Авесто маъбудлари, масалан, Анахит, Аши, Хайрватат ва бошқа илоҳларнинг қиёфалари мужассамлашган».[3,72-б].

Маъбудлар образларини акс эттиришнинг эстетик принциплари, бундан ташқари, диний эҳтиром тасаввурлари тушунчаларидан келиб чиққан. «Ўрта Осиё территориясида турли маданиятлар ва диний эътиқодлар мавжуд бўлиб, айримлари олов учқунидек бир чакнаб, кўхна тарих қаърида ном-нишонсиз сўнган бўлса-да, уларнинг қолдиқлари у ёки бу кўринишда ҳозирги кунгача етиб келган. Баъзи эътиқодларнинг рамз ва маросимлари замонлар ўтиши билан урф-одатга айланиб, ҳатто ўзининг диний моҳиятини ҳам йўқотади, айримлари эртак ва афсонага айланади, бошқалари эса вақт-вақти билан қайта тирилади ҳам ёки асрлар давомида нафақат моҳиятини, балки шаклини ҳам ўзгартирмайди, чунки ота-боболарнинг удумлари анъана, қонун сифатида халқ онгига сингиб ўтади» [4,9-б].

Кўриб чиқиладиган даврда аллақачон Шарқ романтизмнинг кўплаб бадиий ва эстетик тамойиллари шаклланган, улар баъзан унутилиб қолиб, кейин турли ижтимоий-тарихий даврларда янгидан пайдо бўлган, халқ ижоди ва профессионал бадиий ижоднинг турли шаклларида ривожланиб борган. Ягона бадиий фикрлаш оқими парчаланмасдан, аксинча, чуқурлашиб, янги ранг ва навларга эга бўлиб, санъатнинг ғоявий ва шакллантирувчи тамойилларининг ўзига хос стереотип ва қонунларини ўрнатади. Масалан, «Фронтал назар, тананинг ҳайкалдек ҳаракатсизлиги, кўлларнинг каноник ҳолати, юзнинг батамом ҳиссизлиги — буларнинг бари барқарор иконография мисоли бўлиб, гўё маъбуд қиёфасининг абадийлиги ва вақтга бўйсунмаслигини таъкидлайди. Ташқи ҳайкалнамо сийратни маҳаллий

дидга мослаштириш мақсадида либосларда маҳаллий турмуш манзаралари акс эттирилган, милодий I аср урфига биноан сўғдлик аёлнинг туб жой этник типи бўрттириб кўрсатилган».[5,73-б]

Ушбу ҳолат билан маъбуд тасвирларининг ғоявий-бадий тузилиши, маҳаллий турмушни акс эттирган терракоталар ва шу даврдаги майда пластмасса ва керамика асарларнинг ўзига хос жиҳатлари белгиланади. Бир томондан, маъбуда ва диний сиғинишлар образларида, аввало, фоний дунёдаги турли ҳодисаларнинг яратувчилари сифатида уларнинг юксак ахлоқий ва маънавий моҳияти ва жонлантириш қоидаларига риоя қилинган, бу баъзан образларнинг умумлаштирилган услублашувига ва мавҳум тарзда тавсифланишига олиб келган; бошқа томондан, ҳар бир маъбуд маълум бир даврда мавжуд бўлган ҳамда таъсир кучининг ўзига хос доираси бўлган, ушбу маҳаллий турмушни акс эттириш хусусиятини қонунлаштириш мақсадида унинг тасвирига маҳаллий ва этник хусусиятни акс эттирувчи дунёвий тасвирлар киритилган.

Шу билан бирга, маъбудларни, табиат ҳодисаларини, оламни акс эттиришда асотирлар билан ўралган гўзалликни ҳис этиш, халқнинг романтик идеали намоён бўлади. Масалан, Сосонийлар даврида Эронда дин, давлат томонидан модификация қилинган, нумизматика ва афсонавий маҳаллий турмуш тарзига доир саҳналар ва маъбудлар акс этган суратларда ҳукмдор ёки унинг сулоласининг жасорати, кудратини мадҳ этувчи эпизодлар тасвирланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Памятники мирового искусства. Искусство древнего Востока. — М.: Искусство, 1968. — С. 86.
2. Ўша манба. — Б. 93.
- 3 Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Кўрсатилган асар. — Б. 72.
- 4.Караматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. — Т.: ЖИДУ, 2008. — 9 б.
5. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана. — М.: Искусство, 1965. — С. 24.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/003>

## **ФИЛОСОФИЯ КАК НЕОТЪЕМЛЕМАЯ ЧАСТЬ СОВРЕМЕННОЙ РЕАЛЬНОСТИ**

**Сабитова Зарина Кадамбаевна**

студентка факультета Социальных наук направления философии,  
Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

### **Аннотация.**

В связи с кризисной экономической, экологической и социальной обстановкой в мире актуальность философии как предмета приобрела в последнее время широкое значение. В настоящей работе на примере ретроспекции к истокам классической греческой философии обосновывается необходимость изучения философии. Навыки и специализации которые она развивает несут огромную ценность в современной реальности и создают возможность решения глобальных